

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 56 (803)

19
МАРТ
СЕШАНБА
1957 ЙИЛ
ВАХОСИ
20 ТИПИН

ССР Иттифоқи Министрлар Советида

ССР Иттифоқи Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1957 йилдан бошлаб машина-трактор станциялари ва яхши-созлаштирилган станциялари, шунингдек Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ремонт корхоналарини ме- блар билан таъминлашни иттифоқ бюджетидан республика бюд- жетига ўтказиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Бу қарарнинг даромадлари, шунингдек ремонт корхо- налари фойдасидан бўладиган ажратмалар Ўзбекистон ССР бюджетига ўтказилди.

ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг 1957 йил плани-

га ҳамда даромад ва харажат балансида маъмурият асосан тегишли ўзгаришлар киритиш учун ССР Министрлар Со- вети ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги зиммасига бир ой му- дат ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан келишил- ган ҳисоблари Давлат иқтисод комиссияси ва ССР Молия министрлигига тақдим этиш вазифасини юқлади.

ССР Давлат иқтисод комиссияси ва Молия министрлигига шунга мувофиқ хал

Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига!

1 миллион 765 минг сўмлик қўшимча маҳсулот

Тошкент гушт комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари байрамда социалистик мусобақасини қизитиб юбордилар. Корхона коллективи аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари — гушт, колбаса ва турли хил консервлар билан тобора кўпроқ таъминлаш учун меҳнат кўрсаткичларини кун сайин ошираётган.

Ишлаб чиқаришга илгор технологияни кенг жорий қилиш, асосий процессларни механизациялаш ва автоматлаштириш меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннарини камайтириш имкониятини беради. Комбинат бўйича икки ойлик программа мўддатидан 11 кун олдин муваффақият билан бажарилиди. Плана қўшимча равишда қарийб 1 миллион 765 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қолбаса тайёрлаш цех ишчилари бу муваффақиятларни қўлга киритишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ўртоқ Снегова бошлиқ бу цех меҳнатсеварлари февраль ойи программасини 160 процент бажардилар.

Бошқа цех коллективлари ҳам пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришдилар.

Корхонанинг илгор ишчиларидан А. Гри

